O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◆ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2000 йил 29 июль, шанба • №58 (11.243) • Эркин нархда сотилади

1991 9 2000 МУСТАҚИЛЛИК: ТЎҚҚИЗИНЧИ ДОВОН

## ТОШКЕНТ ЖИЛҒАЛАРИ

***Ҳар қандай ютуқ замирида изланиш, интилиш, меҳнат бор. Жилғалар қўшилиб дарёларга айланганидек, катта-кичик жамоаларнинг ишлари, тажрибалари, ютуқлари жамланиб туман, вилоят, республиканинг салоҳиятини, ижтимоий, иқтисодий ривожланишини белгилайди. Дадил айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида асосан сабзавотчилик, боғдорчилик ва чорвачиликка ихтисослашган Тошкент тумани иқтисодиётида, халқи ҳаётида туб бурилишлар юз берди...***

Шунинг учун ҳам ҳар гал бу туманда бўлганимда қайси соҳа, қайси тармоқда бўлмасин бир қатор янгиликларнинг, эзгу ишларнинг гувоҳи бўламан.

Аввало, шуни айтиш керакки, мустақилликка эришганимиздан илгари асосан аграр туман сифатида тилга олинадиган Тошкент тумани эндиликда саноати ҳам ривожланган ҳудудга айланди.

Катта-кичик корхоналар фаолият кўрсата бошлади. Ишбилармон, тадбиркорларнинг сафи кенгайди. Туманда 1995 йилдагидан 14та кўп яъни 20та қўшма корхона фаолият кўрсатяпти. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг айрим турлари ҳатто четга чиқариляпти.

Ҳозирги кунда туманда аҳоли яшайдиган ҳудудларни газлаштириш даражаси 90 фоизни, ичимлик сув таъминоти эса 88 фоизни ташкил этади. Аҳолига маданий маиший, савдо, тиббий хизмат кўрсатишнинг янги-янги шаҳобчалари фаолият кўрсатмоқда.

— Ўтган даврда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига раҳбарлик тизимида ҳам тубдан ўзгаришлар юз берди. Меҳнатни ташкил этишнинг энг илғор усуллари амал қила бошлади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этищдаги бу ижобий ўзгаришлар, табиийки, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, амалда жорий этилишини таъмин этибгина қолмай, маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, сифатини анча яхшилашга ёрдам бермоқда.

Деҳқон ўзини ернинг эгаси, ҳақиқий хўжайини деб ҳис қила бошлади. Буни эришилаётган натижалар кўрсатиб турибди. Ҳар йили ўрта ҳисобда 30 минг тоннага яқин сабзавот. 6 минг тоннадан ортиқ картошка, 12 минг тоннага яқин мева-чева етиштириб келаётган, эл дастурхонини тўкин-сочин бўлишига ҳисса қўшаётган тошкентликлар мустақиллик шарофати туфайли ғаллачиликда ҳам пешқадамлар сафида борадиган бўлиб қолдилар. Йил сайин уларнинг ғалла мустақиллиги учун курашга қўшаётган ҳиссалари залворли бўлаётир. Бу йил ҳам улар 2250 гектар ерда ўстирилган бошоқли дон экинларидан 9225 тонна ҳосил етиштирдилар ва режаларини анча ортиғи билан адо этдилар.

Туманда деҳқон фермерларни саралаш, уларнинг фаолиятини аниқ бир мақсадга йўналтиришга катта эътибор берилди. Ҳозир хўжаликларда 50га яқин деҳқон фермер фаолият кўрсатмоқда. Улар умумий ютуққа салмоқли ҳисса қўшмоқдалар.

Охунбобоев номли, «Ўзбекистон», «Тошкент», Ғиёс Умаров номли жамоа ва ширкат хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдаги ютуқлари, айниқса, баракали бўляпти. Даромадга яраша буромад деганларидек, қишлоқлар қиёфаси ўзгариб, хизмат кўрсатишнинг жуда кўп турлари фаолият кўрсатаётган гузарларнинг пайдо бўлиши айни мустақилликнинг меваси эмасми?

Яширишнинг ҳожати йўқ. Бир вақтлари хўжалик ўзи ишлаб топган пулга ўзи эгалик қилолмасди. «Мана бунча пулни унга сарфлайсан, бунга сарфлайсан» деб юқоридан белгилаб беришарди. У ёки бу қурилишни ўзларича амалга оширолмасдилар.

Энди эса хўжалик, жамоа пешона тери билан топган маблағини ўзи тасарруф қилади, ободончилик ишлари кўламини кенгайтиришни ўзи ҳал этади. Мана оддий бир мисол. Охунбобоев номли жамоа хўжалигида бир йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган, барча қулайликларга эга бўлган замонавий мактаб қисқа вақтда қуриб битказилди. Худди шу хўжаликнинг ўзида туман миқёсида хизмат кўрсатадиган катта туғуруқхона яқин вақт ичида фойдаланишга топширилади. Шу тумандаги Ғиёс Умаров номли жамоа хўжалиги ҳам ўз маблағи ҳисобига мактаб қурди ва у мустақилликнинг 9 йиллиги арафасида ўқувчиларга, қишлоқ аҳлига совға қилинади. Бундай мисолларни бошқа хўжаликлардан ҳам келтириш мумкин. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги қисқа вақт ичида аввалги шуҳратини тиклаб, илғорлар қаторига чиқиб олди. Ҳар бир тармоқда ютуқлар кўлами кенгайди. Қишлоқ аҳли маъмуриятнинг ободончилик, аҳолига қулайликлар яратиб бериш борасидаги ишларидан мамнун бўлиб гапиряпти. «Тошкент» ширкат хўжалигида ичимлик сув муаммоси кўпдан буён аҳолини қийнаб келарди. Туман, вилоят ҳокимлигининг саъй-ҳаракати, ҳомий ташкилотларнинг амалий кўмаги билан бу муаммо ҳал қилинадиган бўлди. Хўжаликка ичимлик сувини келтириш ниҳоясига етказилмоқда.



*СУРАТДА: Олмалиқда яна бир дорихона аҳолига хизмат кўрсатишга киришди.*
**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Тумандаги Муҳаммаджон Фозилов номли жамоа хўжалигида бўлганимизда ҳам янгиликнинг, яхшиликнинг, эзгуликнинг гувоҳи бўлдик.

— Мен яқинда, — деди жамоа хўжалиги раиси Акбар Сулаймонов, — Исроилда бўлиб, уларнинг чорвачилик соҳасидаги ишлари, тажрибалари билан танишдим. Уларда соғин сигирлардан йилига 10-11 тонна сут соғиб олинади. Биз ҳам уларнинг тажрибасини амалда қўлланишига ҳаракат қилмоқликни ният қилганмиз. Бу бир, иккинчидан исроилликлар технологияси асосида, ҳамкорлигида сутни қайта ишлаш цехимизни бутунлай янгилаяпмиз. Август ойига бориб бу цехни ишга туширишни мўлжаллаяпмиз. Ана шунда ўзимизда кунига соғиб олинган 2-2,5 тонна сут бу цехларда қайта ишланиб, 8 хил маҳсулот тайёрланади.

Тошкентликлар мустақилликнинг 9 йиллигини ҳар бир соҳада, тармоқда катта меҳнат совғалари билан кутиб олмоқдалар.

— Бошқача бўлиши мумкин эмас, — деб айтишди улар. — Мустақил, эминэркин бўлиб ишлаяпмиз. Ўз қобилиятимиз, салоҳиятимиз, куч-қудратимизни намойиш этяпмиз. Бизга шундай имкониятларни берган истиқлолнинг қадрига чинакамига етишимиз керак.

Дарвоқе, қадрлаш дегани — бу ўзни англаш, бор тажрибаларни жамлаб, амалда қўллаб, мустақилликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшиш дегани. Тумандаги ҳар бир меҳнат аҳли ана шу улуғ мақсадни дилга жо қилган ҳолда тер тўкмоқда.

***Носир РИХСИЕВ,***
***«Тошкент ҳақиқати» мухбири.***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

28 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди.

Кенгаш иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессиясини 2000 йил 30 август куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Мазкур масалани муҳокама этиш чоғида Олий Мажлис Раиси кенгаш аъзоларининг эътиборини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотларнинг 2000 йил биринчи ярми якунларига бағишлаб Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган мажлисда кўрсатиб ўтилган янги йўналишлар муносабати билан қонун чиқарувчилар олдида турган вазифаларга алоҳида қаратди.

Шу нарса таъкидлаб ўтилдики, иқтисодий, ижтимоий ва жамиятимиз ҳаётининг бошқа соҳаларидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг Ўзбекистон раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган дастурини муваффақиятли амалга ошириш кўп жиҳатдан қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга, ҳуқуқий кафолатлар ва омилларнинг ишончли тизимини барпо этишга боғлиқдир. Олий Мажлиснинг қўмиталари ва комиссияларига қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва назорат-таҳлил ишига давлатимиз бошлиғининг айтганларини инобатга олган ҳолда тегишли тузатиш ва ўзгартишлар киритиш таклиф этилди. Айни вақтда Олий Мажлис депутатларига Президентимиз Ислом Каримовнинг маърузасида баён этилган қоидаларни сайловчилар билан учрашувларда кенг кўламда тушунтириб бориш, жамият олдига қўйилган вазифаларни амалга оширишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳар тарафлама кўмаклашиш тавсия қилинди.

Олий Мажлиснинг учинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун Парламент раисининг ўринбосари Ф. Муҳитдинова раҳбарлигида депутатлар ишчи гуруҳи тузилди.

***(ЎзА).***

*Вилоят ҳокимлигида*

## ТАҲЛИЛ ВА САБОҚ

***2000 йилнинг 21 июль куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йилнинг биринчи ярим йиллигида республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши якунлари ва иқтисодий ислоҳотларнинг боришига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ушбу мажлисдаги маърузасида ўтган давр мобайнида эришилган муваффақиятларни қайд этиш билан бирга, бу борадаги мавжуд камчиликларни тезроқ бартараф этиш, муаммоларнинг ечимини топиш, халқ хўжалигининг барча соҳаларида ислоҳотларни янада жадаллаштириш масалаларига асосий эътиборни қаратди.***

Шу йил 26 июль куни бўлиб ўтган Тошкент вилоятида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам вилоятда 2000 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда эришилган натижалар Президентимизнинг маърузасида ўртага қўйилган вазифалар асосида атрофлича таҳлил этилиб, навбатдаги вазифалар белгилаб олинди.

Буни кун тартибига қўйилган масалалардан ҳам билиб олиш мумкин эди. Йиғилишда вилоятда 2000 йил январь-июнь ойларида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари, қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотларнинг бориши, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, уларнинг молиявий хўжалик фаолиятини барқарорлаштириш, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштириш, бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш сингари масалалар чуқур таҳлил этилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими муовинлари, вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, банк, солиқ, молия тизими раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари, уларнинг умумиқтисодий масалалар бўйича муовинлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокими Уммат Мирзақулов бошқарди.

Шуни айтиш керакки, вилоятда 2000 йилнинг биринчи ярим йиллигида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида бир қатор салмоқли ишлар амалга оширилди. Буни қуйидаги рақамлардан ҳам кўрса бўлади. Ўтган даврда 90,6 миллиард сўмлик ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилди. Ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 104,4 фоиз ўсишга эришилди. Саноатда ўсиш суръати 112,7 фоизни, қишлоқ хўжалигида 107,6 фоизни, савдо ва пуллик хизматлар кўрсатишда 109,2 ва 110,4 фоизни ташкил этди. Аҳолига зарур бўлган истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми 39 миллиард сўмдан ошди. Давлатга дон сотиш шартнома режаси ортиғи билан адо этилди.

Эришилган натижаларда вилоятда фаолият кўрсатаётган йирик корхоналар билан биргаликда кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг, фермер ва деҳқон хўжаликларининг салмоғи ортиб бормоқда.

Умуман, вилоятда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни барқарорлаштириш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган тадбирлар, дастур, қарорларнинг ижросини таъминлашга асосий диққат-эътибор қаратилмоқда.

Вилоят халқ хўжалигини ривожлантириш, ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган бундай ижобий натижаларни яна келтириш мумкин. Лекин, йиғилиш қатнашчилари шу куни кўпроқ бой берилаётган имкониятлар, Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида кўрсатиб ўтилган айрим хато ва камчиликлар Тошкент вилоятида ҳам мавжуд эканлигини қайд этдилар ва кун тартибидаги масалаларни шу нуқтаи назардан таҳлил қилдилар.

Йиғилишда биринчи навбатда ислоҳотларни чуқурлаштиришда ҳар бир ҳудуд, шаҳар ва туманда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш зарурлиги айтилди.

Хусусан, қишлоқ хўжалиги тармоқларида эришиладиган пировард натижалар ислоҳотларни қай даражада олиб борилаётганлигига боғлиқ. Бунинг тагида энг муҳим нарса – деҳқонларда ерга эгалик ҳиссини уйғотиш, ўз меҳнати натижаларидан моддий манфаатдор бўлиш масаласи турибди. Ширкатга айлантирилган хўжаликларда оилавий пудратнинг йўлга қўйилиши буни амалда оқлаяпти. Кўплаб оилавий пудратчилар бу йилги шароитда ҳам ҳар гектар ердан 60 центнердан ошириб бошоқли дон йиғиштириб олдилар. Афсуски, айрим туманларда жамоа хўжаликларини ширкат хўжаликларига айлантириш жараёнида юзакичиликка йўл қўйилмоқда. Таъсис ҳужжатлари хўжаликнинг ички шароитига мослаштирилмаяпти. Натижада оилавий пудратчилар билан ҳисоб-китоб юритиш белгиланган тартибда олиб борилмаяпти. Буларнинг ҳаммаси тармоқдаги ислоҳотларни амалга оширишга салбий таъсир кўрсатмоқда. Мулк эгаларининг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, тузилган шартномаларнинг юзаки бўлишига сабаб бўлмоқда.

Йиғилишда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли ҳокимлик ва идораларга қатъий вазифалар қўйилди. Хўжалик ва пудратчилар ўртасида ҳисоб-китобларни тартибга солиш, шартномада белгиланган шартларни ўз вақтида амалга ошириш, деҳқонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, уларга жойларда амалий ёрдам кўрсатиш, деҳқон етиштирган маҳсулотларнинг ўз вақтида амалдаги нархларда сотилишини ва маблағларнинг келиб тушишини таъминлаш, бу соҳага банкларнинг қўшимча ресурсларини жалб этиш сингари масалаларга кенг тўхталинди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, бозор инфратузилмасини шакллантириш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш иқтисодий ислоҳотларнинг бош бўғинларидан биридир. Тўғри, вилоятда бу борада белгиланган режа ва топшириқлар бажарилмоқда. Лекин, ҳамон корхоналарни акциялаштириш, хорижий инвестицияни жалб этиш, акциядорлик жамиятларининг қимматли қоғозларини сотиш борасидаги ишлар қониқарли бормаяпти. Шунинг натижасида ўтган даврда акцияларни сотиш топшириғи бажарилмади. Бунинг асосий сабабларидан бири айрим корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш сифатини яхшилаш, товарлар ва сотиладиган акциялар рекламасини кучайтиришга етарли эътибор берилмаётганлигидир.

Йиғилишда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш масаласига ҳам атрофлича тўхталинди. 2000 йилнинг биринчи ярмида уларни қўллаб-қувватлаш юзасидан салмоқли ишлар қилинди. 2703,1 миллион сўмлик 1231та кредит маблағлари ажратилди. Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан тадбиркорларга 5 ва 10 минг АҚШ доллари эквивалентлигидан юқори бўлган 503та 1705,6 миллион сўмлик кредитлар ажратилди. Бу тадбиркорлик, ўрта ва кичик бизнесни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Ана шундай бир вақтда Оҳангарон, Чирчиқ шаҳарлари, Зангиота, Тошкент, Янгийўл туманларида тадбиркорларга кредитлар ажратиш масаласига етарли эътибор берилмаётганлиги ачинарлидир. Кўп ҳолларда тадбиркорлар ва хусусий мулк эгаларининг ҳақ-ҳуқуқлари бузилмоқда. Йиғилишда бу масалаларни жойларни ўзида ҳал этиш юзасидан аниқ вазифалар қўйилди.

Коммунал хизматларидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш халқ фаровонлигини оширишда, тизимни бозор муносабатларига ўтказишда катта аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда вилоятда 107та ширкат, бир қатор муқобил хизмат кўрсатувчи корхоналар, 2137та уй эгалари кенгашлари шаклланди ва фаолият кўрсатмоқда. Бироқ, айрим шаҳар ва туманларда бундай муқобил хизмат кўрсатувчи тизимларни ташкил этиш, уларнинг ишини ривожлантириш юзасидан етарли иш қилинмаяпти. Натижада аҳолининг коммунал хизматлар учун тўланадиган қарзлари ортиб бормоқда. Хусусан, Чиноз, Оҳангарон, Оққўрғон, Тошкент, Бўка, Ўртачирчиқ туманлари, Чирчиқ шаҳрида аҳолидан муддатда ундирилмаган коммунал хизматлар қарзлари ҳажми юқорилигича қолмоқда.

Шу куни вилоят халқ хўжалигидаги барча тармоқларда ислоҳотларнинг бориши шу тариқа танқидий нуқтаи назардан чуқур таҳлил этилди. Халқимизда таҳлил ва сабоқ деган ибора бор. Ўйлаймизки, йиғилиш ҳар бир шаҳар ва туман ҳокимликлари, тегишли бўлим ва бошқармаларга сабоқ бўлди. Энди ҳамма гап ундан тўғри хулоса чиқариб, соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва натижаларни барқарорлаштиришдан иборат. Зеро, бунинг тагида энг катта нарса – халқ фаровонлигини ошириш, турмушимизни яхшилаш масаласи ётибди.

*Ўзбекистон Республикаси*
*Олий Мажлиси Кенгашининг*
*ҚАРОРИ*

## ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ УЧИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг учинчи сессияси 2000 йил 30 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлисининг Раиси** **Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
2000 йил, 28 июль.

Олий Мажлиснинг учинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалаларни киритиш назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг 2000 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида.
2. «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
3. «Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
4. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
5. «Судлар тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири) лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
6. «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.
7. «Почта алоқаси тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.
8. «Радиация хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.
9. «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида (биринчи ўқишда).
10. «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида.

Шу масалалар билан бир қаторда депутатлар муҳокамасига Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирувчи бошқа масалаларни ҳам киритиш мўлжалланмоқда.

*«Энг улуғ, энг азиз»*

# СУРАТЛАРДА ИСТИҚЛОЛ МАНЗАРАЛАРИ

*Илгари хабар берганимиздек, шу йил 25 июль куни кўҳна ва ҳамиша навқирон Паркент шаҳри, унинг меҳр-оқибатли, қалби очиқ ва меҳмондўст кишилари вилоят миқёсидаги «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танлови якуний босқичи иштирокчилари ва меҳмонларини анвойи гуллар ва хуштавозелик билан, карнай-сурнай садолари остида кутиб олдилар.*

Мана, икки йилдирки «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсий-ижтимоий жамғармаси ҳамда «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлимлари ташаббуси билан республикамиз истиқлолига бағишлаб ўтказилаётган мазкур кўрик-танлов вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида, қишлоқларида яшаб, ижод этаётган тасвирий санъат соҳиблари, шоир ва ёзувчилар, фото ва журналистика ижодкорларининг меҳнатларини рўёбга чиқармоқда. Шу тадбир баҳонасида очилган тасвирий санъат ва халқ амалий санъати кўргазмасида истеъдодли санъаткорлар ва ҳунармандларнинг ажойиб асарлари намойиш этилмоқда. Унга республика Бадиий академиясининг академиги, мусаввир Рўзи Чориев, шу академиянинг масъул котиби, таниқли кулол Шуҳрат Рашидов ва бошқалар юксак баҳо бердилар.

Кўрик-танлов якунларига бағишланган йиғилишда республика Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармаси ҳамраиси, «Хуррият» газетасининг бош муҳаррири Ҳуршид Дўстмуҳаммад, республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси Исфандиёр Латипов ҳамда Паркент тумани ҳокими Мирзамашраб Кўччиевлар сўзга чиқиб, танлов ғолибларини қутладилар.

«Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танлови ғолибларига мукофотларни танлов ҳайъати раиси — вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев топширди.





*Ўз мухбиримиз.*





*СУРАТЛАРДА: «Энг улуғ, энг азиз» кўрик-танлови кўргазмасидан лавҳалар.*

**Дилшод АҲМЕДОВ олган суратлар.**

*Маърифат*

# КИТОБХОН КУТУБХОНАГА ҚАЙТАДИМИ?!

***Бугунги кутубхоналар тизими жамиятимизда қандай ўрин тутмоқда?***

***Унинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат? Муаммолари-чи? Зангиота туманидаги марказлашган кутубхоналар раҳбари Сурайё Аҳмедова билан бўлган суҳбатимиз мавзуи ана шу ҳақда бўлди.***

**— Сурайё опа, билишимча, сиз бу соҳада бир неча йиллардан буён ишлайсиз, айтингчи, яқин ўтмишдаги ва бугунги кун кутубхона тизими ва китобхонлари ўртасида қандай фарқ бор?**

— Бу соҳада ишлаётганимга 20 йил бўлди. Асли оддий кутубхоначиликдан бошлаганман. Турли савия ва қарашларга эга бўлган китобхонлар билан ишлашга тўғри келган. Собиқ шўро даври ўқувчилари ўша пайт ғоя ва мафкурасига суянган ҳолда фикр юритувчи ҳамда бир қолип асосида мутолаа қилувчи кишилар эди. Ҳамма бир хил фикрлаши, бир хил ўқиши, ўрганиши лозим бўлган. Бирон нарса тўғрисида ўз фикр-мулоҳазасини айта олмас, бирор масала юзасидан баҳс-мунозара қилолмасди.

Бугунги кун ўқувчиси эса, умуман ўзгача, ижобий маънода ўта қайсар, сиз билан биз ўқимаган нарсаларни ўқиши, мен билан сизнинг хаёлингизга келмаган нарсалар тўғрисида фикр юритиши, хоҳлаган ҳодиса ва воқеага ўз қарашини изҳор этиши мумкин.

**— Мустақилликнинг дастлабки йилларида кутубхонага одам кирмай қўйгандек бўлди. Бунга сабаб нима деб ўйлайсиз?**

— Истиқлол туфайли халқимиз кўп нарсани англаб етди. Яқин ўтмишда мадҳ этиб келинган қадриятлар, фикр-ғоялар аслида пуч нарсалар эканлиги ошкор бўлди. Қаддимизни ростлаш, ўзимизни билиш учун янги миллий ғоя, янги мафкура руҳи билан суғорилган адабиётларга эҳтиёж сезилди. Ваҳоланки, кутубхоналаримизда бундай китоблар йўқ эди.

Мактаб, олий ўқув юртларида Пётр биринчи улуғ саркарда деб ўрганилиб, Амир Темур босқинчи, каллакесар сифатида онгимизга қуйиб келинган етмиш йиллик тарихий сохта билимларнинг бари бирдан йўққа чиқди. Ўша пайтларда эски адабиётлар яроқсиз деб топилган, янгилари эса ҳали деярли йўқ эди. Бу ҳол ўқувчилар ўртасида дангасалик кайфиятининг туғилишига сабаб бўлди. Кутубхоналарга ўша пайтлар ҳеч ким келмай қўйди.

**— Бугунги кунда ўқувчиларни тўлиқ кутубхоналарга қайтариш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?**

— Аввало, иш режамизни қайта кўриб чиқиб, тарғибот ишларини шу асосда қуришга ҳаракат қилдик. Бу орада янги адабиётлар, мустақилликнинг моҳияти, унинг қадр-қимматини тарғиб қилувчи тарихий маърифий китоблар нашрдан чиқди. Бугунги кунга келиб, шу мазмундаги адабиётларга анча бойидик.

Жойлардаги тармоқ кутубхоналаримизда тез-тез ҳар хил тадбирлар, турли тарғибот кечалари уюштираяпмиз. Бунда кутубхоналаримизда мавжуд янги ва эски адабиётлар алоҳида-алоҳида рўйхат қилиниб, қишлоқ жойларидаги китобхонлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб боряпмиз. Бундан ташқари фахрийлар ва ногиронларга ходимларимиз томонидан беминнат хизмат ташкил қилганмиз. Уларнинг уйларига янги газета-журналлар, китоблар элтиб берилади.

**— Натижа қандай?**

— Чакки эмас. Аста-секинлик билан бўлсада, китобхонларимиз кутубхоналарга қайтмоқдалар. Халқимиз эндиликда кутубхона чинакам маънавият, маърифат, эзгулик зиёхонаси эканлигини тушуниб етяпти.

**— Муаммолар ҳам бўлса керак?**

— Албатта, иш бор жойда муаммо ҳам бўлади. Лекин, қараб ўтирадиган бўлсак, ишнинг ривожи бўладими? Қийинчиликларни енгиб, камчиликларни бартараф этиб, кутубхоналаримизни ҳақиқий қироатхонага айлантириш, одамлардаги мутолаага нисбатан қизиқишни кундалик эҳтиёжга айлантириш устида ишлаяпмиз. Тўғри, китоблар танқислиги сезилаяпти. Ўйлайманки, бу муаммо ҳам яқин орада ҳал бўлади...

***Суҳбатдош: Равшан ЁҚУБЖОНОВ.***

# ЁШ ФАЗОГИРЛАР АНЖУМАНИ

*Болалигида космонавт бўлишни ёки космик кема, космик станция, ер йўлдошининг ҳақиқий моделини ясашни орзу қилмайдиган киши кам топилади. «Қоинот» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси қошида ташкил этилган Халқаро аэрокосмик мактабида ўсмирлар ана шундай орзуларини амалга ошириш имкониятига эга.*

Ана шундай юксак орзу билан яшаётган ёшлар бу йил ҳам мамлакатимизнинг сўлим масканларидан бири: бирлашманинг Тошкент вилоятидаги дам олиш зонаси – «Қизилсой» оромгоҳида ўтадиган анъанавий XII Халқаро аэрокосмик мактаби (ХАКМ-2000) машғулотларида қатнашиш учун тўпланди. Анжуманда республикамизнинг турли вилоятлари, шунингдек, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Озарбайжондан келган истеъдодли ёшлар иштирок этмоқда.

Бу йилги тадбир Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда эълон қилинган Соғлом авлод йили, шунингдек, «Аппо-лон» – «Союз» халқаро космик лойиҳаси амалга оширилганлигининг 25 йиллигига бағишланганлиги билан аҳамиятлидир.

Анжуманнинг очилиш маросимида сўзга чиққан ХАКМ-2000 ташкилий қўмитаси раиси, академик Шавкат Воҳидов ўн кун давом этадиган машғулотлар чоғида ёшларга муҳандислик, аэрокосмик ва компьютер техникаси каби соҳаларда бошланғич билим, кўникма ва маълумотлар берилишини таъкидлади.

Дастурдаги илмий-амалий машғулотларни таниқли фан ва техника арбоблари, космонавтлар ўтказади. Ўқувчилар учун барча шарт-шароит муҳайё қилинган: лекция ва амалий машғулотлар учун махсус жиҳозланган хоналар, компьютер заллари, маданий дам олиш ва спорт майдончалари улар ихтиёрида бўлади.

***Олим НОРБЕКОВ, ЎзА мухбири.***

# МАНЗИЛИ ЯНГИЙЎЛ

**Энди бу корхонада «бакалашка»дан тортиб барча турдаги пластмасс ва полиэтилен идишларини қайта ишлаш мумкин**

Бугунги ҳаётимизни полимер ёки пластмасс материаллардан тайёрланган буюмларсиз тасаввур қилиш қийин. Лекин, бу каби маиший-кимёвий буюмлар, пластик идиш-товоқлар, пакетлар, полиэтилен плёнкалар ишлатиб бўлинганидан кейин, уларнинг кейинги тақдири ҳақида бош қотириб ўтирмаймиз. Ваҳоланки, бу буюмлар ўз кимёвий хусусиятларига кўра табиат бағрига сингиб, ўзлашиб кетолмайди.

Янгийўл шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Труд» ишлаб чиқариш ширкатида ана шу муаммони ҳал эта олдилар. Хориждан пластмассани гранулаловчи ва аралаштирувчи мосламалар ҳамда иккиламчи полимерларни қайта ишловчи ускуналар сотиб олиниб, корхонада ўрнатилганидан сўнг, бу ерда қайта ишлаш учун хомашё тайёрлаш йўлга қўйилди. Мавжуд ваакум ускуналари ва термопласт автоматларда полимер чиқиндиларидан керакли буюмлар ясалмоқда. Хусусан, салқин ичимликлар, мева-сабзавот солинадиган махсус қутилар, турли диаметрдаги пластик трубалар, шишалар учун қопқоқлар, ҳар хил қалинликдаги плёнкалар ишлаб чиқарилаяпти.

Корхона ўз фаолияти билан табиатни муҳофаза қилиш ишига ҳам катта ҳисса қўшаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Зеро, сўнгги беш ой ичида, табиат ҳазм қила олмайдиган 20 тонна полимер чиқиндилар ўзлаштирилиб, 20 мингга яқин турли идишлар ишлаб чиқарилди.

***Шоира УБАЙДУЛЛАЕВА.***

# «МЕҲНАТ» БЎЛИМИНИНГ ЯНГИ ТАЛАБАЛАРИ

Хўжаликларда ғаллазорларни, пахтазорларни синчковлик билан кузатиб юрган назоратчилар орасида ёшлар ҳам тез-тез кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Улар дала назоратчилари сафига энди қўшилишди. Бу Оққўрғон тумани меҳнат бўлими ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси биргаликда тумандаги қатор жамоа ва ширкат хўжаликларида ишсиз ёшлардан дала назоратчилари тайёрлашга киришгани натижасиздир. Меҳнат бўлимининг маблағи ҳисобига 70 нафар йигит-қизлар махсус курсларда ўқишди. Улар ўсимликларни ҳимоя қилиш идораси мутахассислари томонидан буғдой ва ғўза зараркунандаларига қарши кураш усулларини икки ой давомида қунт билан ўргандилар. Қисқа муддатда қишлоқ хўжалиги соҳаси мутахассислигини эгаллаган ёшлар экинлар муҳофазаси борасида фаол иш олиб бормоқдалар.

***Ўз мухбиримиздан.***

# ЭНГ САМАРАЛИ ВА АРЗОН УСУЛ

## Вилоятимизда қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши курашнинг биологик усули яна кенг жорий қилинмоқда

*Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш узоқ тарихга эга. Шу мақсадда унинг турли усулларидан фойдаланиб келинмоқда. Лекин, биологик усул улар ичида энг самарали эканлиги ҳамма томонидан тан олинган. Чунки, бу усул экологик софлиги билан, табиатга, атроф муҳитга ҳеч қандай зарар етказмаслиги, кам харжлиги билан ажралиб туради.*

Бундан тахминан 10 йил муқаддам вилоятимиз пахтачилиги, ғаллачилиги ва деҳқончиликнинг бошқа тармоқларида биологик усулни қўллаш анча кенгайган эди. Чунончи, 1991 йилда вилоятимиз хўжаликларида 44та биолаборатория ва биофабрикалар мавжуд бўлиб, уларнинг 40таси фаолият кўрсатган эди. Уларда ғўза, ғалла, сабзавот, полиз, картошка, мевали дарахтлар, узум ва бошқа экинларга зарар келтирадиган илдиз ва кўсак қуртлари, ширалар, ўргимчаккана, трипс, занг канаси, оққанот ва бошқа зараркунандаларга қарши курашга, шунингдек, бактериал, вирусли касалликларнинг олдини олишга ёрдам берадиган фойдали хашаротлар етиштириш йўлга қўйилган эди. Ўша йилиёқ трихограмма, бракон, олтинкўз каби фойдали хашаротлар етиштирилиб, улар билан 520 минг гектар ерга биологик усулда ишлов берилди. Унинг самараси кўнгилдагидек бўлди. Арзон ва ҳар томонлама фойдали бу тадбир кўплаб қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қирон келтирди ҳамда хўжаликларнинг турли ҳил заҳарли кимёвий воситаларни харид қилиш учун сарфлайдиган маблағларининг муайян қисмини тежаб қолишга олиб келди.

Амалда ўзини оқлаган бу усулга 90 йилларнинг ўрталарида эътибор сусайиб кетди. Бозор иқтисодиётига ўтиш қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янги талаблар асосида қайта ташкил этишнинг бошланиши, бошқа шу каби сабаблар бу муҳим ишга ўз таъсирини қилди. Яна бир камчилик: биологик фабрикалар ва лабораторияларда фойдали хашаротларни етиштириш учун зарур хомашёлар етишмай қолди, тўғрироғи уларнинг нарҳи ошиб, хўжаликлар унинг учун етарли маблағ ажратолмадилар.

Бунинг оқибатида унинг қўлланиш кўлами кескин қисқарди. Асосан иқтисодий қийинчиликлар туфайли 1998 йилга келиб бундай фабрикалар ва лабораториялар сони икки баравардан ортиқроққа камайиб, улардан бор-йўғи 17таси фаолият кўрсатди. Уларнинг ҳам айримлари тўла қувват билан ишламади. Натижада билогик усул билан бир йил давомида ишлов берилган экин майдони 121 минг гектарга тушиб қолди.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, унда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, хўжаликни юритиш тизимларини такомиллаштириш бўйича катта ишлар олиб борилаётган бир шароитда биологик усул катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бу соҳада таркиб топган аянчли аҳволни яхшилаш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. Шуни ҳисобга олиб вилоят ҳокимлиги ўтган йилнинг январь ойида «Қишлоқ хўжалиги экинларининг зараркунандаларига қарши биологик кураш усулини тиклаш ва кўпайтириш тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Бу айни муддао бўлди. Дарҳол жойларда биологик фабрикалар ва лабораторияларни қайта тиклаш юзасидан ишлар авж олди. Лаборатория ва фабрикалар қайта таъмирланди. Улар учун хом ашёларни тайёрлашга қизғин киришилди. Кадрларни тайёрлаш ва уларни жой-жойига қўйишга алохида эътибор берилди. Улар махсус курсларда ўқитилди. Шундай саъй-ҳаракатлар туфайли йил бошига келиб мавжуд бўлган 32та биолабараториянинг ҳаммаси тўла ишга туширилди.

## *Ҳоким қарори қандай бажарилмоқда*

Қарорни ижро этишга жиддий киришилганлиги ўтган йилиёқ катта самара берди. Йил бошида 400 минг гектар экин майдонларига биологик усул билан ишлов бериш режалаштирилган эди. Амалда бу зиёдаси билан уддаланди. Мазкур усул билан қамраб олинган экин майдонлари хажми 410 минг гектарни ташкил этди. Барча фойдали хашаротларни ишлатиш топшириқлари ҳам ортиғи билан адо этилди. Биргина трихограмма билан ишлов берилган экин майдонлари 240 минг гектардан ошиб кетди. 120 минг гектар майдондаги экинлар зараркунандаларига қарши кураш учун бракон тарқатилди. Яна бир фойдали хашарот – олтинкўз эса, 50 минг гектар майдонда ишлатилди.

Қишлоқ хўжалигида, айниқса, унинг етакчи тармоғи – пахтачиликда бу усулни қўллаш кўп миқдордаги зарарли кимёвий воситаларни ишлатишга ҳожат қолдирмагани боис каттагина маблағ тежалди. Энг муҳими, атроф-муҳитга ҳеч қандай зарар етказилмади. Ўтган йили вилоятимизда пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Унда биолабораториялар меҳнаткашларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор.

Биологик усул истиқболли ҳисобланади. Бутун дунёда бу тўла тан олинмоқда ҳамда уни қўллашни кенгайтиришга қаратилган кураш тобора кучаймоқда. Вилоятимизда ҳам унинг афзалликлари амалиётда кўриниб тургани учун, унга эътибор бундан буён ҳам кўчайиб боради.

Бунда, албатта, олимларимиз катта роль ўйнашлари керак. Шу нуқтаи назардан, вилоятимиз табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳузурида академик Султон Алимуҳаммедов раҳбарлигида ташкил этилган илмий жамоатчилик кенгаши аъзоларининг фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчи эдик. Улар жойларга тез-тез бориб турадилар, биологик усулларни қўллашнинг аҳволи билан яқиндан танишадилар. Камчиликларни бартараф этишга қаратилган мулоҳазаларини билдирадилар, таклифларини тегишли мутасадди ташкилотлар эътиборига ҳавола этадилар ҳамда уларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун курашадилар. Вилоятимиз қишлоқ хўжалигида биологик усул самараси ортишида бу олимларимизнинг, мутахассисларимизнинг хизматлари беқиёсдир.

Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ҳам ўз йўли билан биофабрикалар ва лабораториялар ишини жонлантириш ва кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирларни мунтазам амалга ошириб келмоқда. Қўмитамиз ўзининг табиатни муҳофаза қилиш маҳаллий жамғармасидан 2 миллион сўмни шу соҳани ривожлантиришга ажратди. У биолабораториялар ва биофабрикалар фаолиятини яхшилаш билан боғлиқ бўлган ҳамма масалаларни бундан буён ҳам диққат-эътибор марказида сақлайди ва зарур бўлганида уларга керакли ёрдамни кўрсатишга, вилоят ҳокимининг юқорида қайд қилинган қарори тўлиқ ижро этилишига хисса қўшишга ҳаракат қилади.

***Махмуд МУЙДИНОВ, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг масъул ходими.***

# ЎЗБЕК ДЎППИСИНИ СЕВИБ ҚОЛИШДИ

Германиянинг Ганновер шаҳрида ташкил этилган «ЭКСПО-2000» умумжаҳон кўргазмаси шу кунларда ҳар қачонгидан ҳам гавжум. Қуйи Саксония федерал вилояти пойтахтида «Инсон. Табиат. Технология» шиори остида ўтказилаётган ушбу нуфузли кўргазмада жаҳоннинг 200 дан зиёд давлати ўз маҳсулоти билан қатнашмоқда. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистоннинг илғор корхоналари маҳсулотлари, тарихимизга оид қадимий ашёларни намойиш этиш учун мамлакатимизга ажратилган махсус бўлим ҳам томошабинлар эътиборини ўзига тобора кўпроқ жалб этмоқда.

Бугунги кунда кўргазмада Ўзбекистон аёллари орасидаги ягона чиннисоз, академик-рассом Шахноза Мўминова, лой ўйинчоқлар устаси Кубаро Бобоева, бухоролик қўли гул зардўз Шоира Сойибова, шарқ рангтасвири устаси Шамсиддин Рихсиев, наққош Шуҳрат Зойировдан иборат навбатдаги ижодий гуруҳ ўз маҳоратини намойиш этмоқда. Ўзбек ҳунармандларининг қалб қўри, олтин қўллари билан яратилган мўъжаз идишлар, сўзанаю дўппилар, китоб жилдлари, турли қутичалар хорижликлар томонидан бажонидил харид қилинмоқда.

***Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.***

